

“ОДАМЛАРДА УМИД ВА ИШОНЧ УЙҒОТМОҚ УЧУН ДАРДИНИ ЮРАКДАН ҲИС ҚИЛСАНГИЗ БАС”

6-с.

“Mahalla” газетаси “Олтин қалам” ХХ Миллий мукофоти учун Халқаро танловнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш ислоҳотлари ёритилган энг яхши материаллар учун” номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№51 (2379)

2026 ЙИЛ 27 ИЮНЬ, ШАНБА

Mahalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 ЙИЛ — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, азизларни – мамлакатимизнинг босма ва интернет нашрлари, телерадиоканаллар, ахборот ва медиа хизматларида, нашриёт ва матбаа корхоналарида сидқидилдан меҳнат қилаётган ижодий ва техник ходимларни, заҳматкаш журналистлар, муҳтарам фахрийларни касб байрамингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Мен сизларни – юксак билим ва салоҳиятга эга, ватанпарвар барча журналистларни ўзим учун доимий маслакдош, жонкуяр дўст деб билишимни яна бир бор изҳор этаман.

Бу йил ушбу қутлуғ айём миллий матбуотимиз асоси – жадид боболаримиз томонидан “Тараққий” газетаси ташкил этилганига 120 йил, юртимизда радиоэшиттиришлар илк бор тажриба тариқасида узатилганига 100 йил тўлган кунларда нишонланаётгани унга алоҳида шукуҳ бағишламоқда.

Биз бундан ўн йил олдин демократия, очиқлик ва шаффофлик тамойиллари, “Инсон қадри учун, инсон бахти учун!” деган эзгу ғояга таянган ҳолда Янги Ўзбекистонни қуришга киришган эдик. Ўтган қисқа даврда кўп миллатли халқимизнинг фидокорона ва шарафли меҳнати билан бу борада улкан ютуқларни қўлга киритдик.

Жумладан, жамиятимизда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини кенгайтириш, ахборот соҳасини рақамлаштириш ва замонавий медиамаконни шакллантириш борасида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Яратилган мустаҳкам ҳуқуқий асос, берилган имтиёз ва преференциялар натижасида соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, унинг таркибида хусусий секторнинг улуши йилдан йилга ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда қарийб 2 минг 700 та оммавий ахборот воситаларининг 67 фоизи, ноширлик субъектларининг 90 фоиздан ортиғи, матбаа корхоналарининг 83 фоизи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Жорий йилда нашриётларнинг ишлаб чиқариш қуввати ўтган йилга нисбатан икки баробар ортиб, ўртача 15 минг номдаги жами 60 миллиондан ортиқ нусхада китоблар нашр этилди.

Мазкур кўрсаткичлар мамлакатда ахборот соҳасини либераллаштириш, китобхонлик маданиятини ошириш, медиа фаолиятини қўллаб-қувватлаш ишлари ҳамда ахборот хизматлари бозори кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Ахборот оқими кескин ортиб, дипфейк технологиялари кенг тарқалаётган бугунги даврда манбаларнинг ишончли эканига алоҳида эътибор қаратиш мамлакатимизда ҳам муҳим кўникмага айланди. Қисқа вақтда турли медиа лойиҳалар орқали 10 минг ёшни қамраб оладиган замонавий таълим тизими шакллантирилди.

Ҳурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Биз эркин ва масъулиятли, халқчил журналистикани жамият ва давлат ривожланишининг зарур шартларидан бири деб биламиз. Бу борада оммавий ахборот воситалари ходимлари фаолияти учун имкониятларни янада кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, касб маҳорати ва малакасини ошириш, жумладан, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, меҳнатини рағбатлантириш, соғлиғини мустаҳкамлаш ва яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган янги чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш, унинг нуфузини ошириш ва ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтириш зарур деб ўйлайман. Нега деганда, тез ўзгараётган бугунги даврнинг ўзи ушбу жамоат бирлашмаси олдига янги ва долзарб вазифаларни қўймоқда. Журналистларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ҳуқуқий ва информацион-технологик ёрдам кўрсатиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда касбий бирдамлигини таъминлаш каби масалаларга жиддий эътибор қаратишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу борада илк бор мамлакатимиз бўйлаб уч ой давомида 12 мингдан ортиқ соҳа вакиллари, жумладан, ёш журналистларни жалб қилган ҳолда ўтказилган Медиа ҳафталик тадбирларини келгусида ҳам давом эттириш муҳим аҳамиятга эга.

Мен мамлакат раҳбари сифатида миллий оммавий ахборот воситаларимиз давлат ва жамият ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини бажариш баробарида халқимизни умуммиллий манфаатлар асосида бирлаштирадиган, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган қудратли маънавий кучга айланиши учун барча ёрдам ва кўмакни кўрсатишга доимо тайёрман.

Муҳтарам матбуот аҳли!

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги қувончли сана муносабати билан юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган соҳа ходимларини чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор қутлаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, фаолиятингизда янги муваффақиятлар тилайман.

Қаламингиз ҳамиша ўткир, сўзингиз ҳаққоний ва таъсирчан, ижодингиз баракали бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



МОҲИЯТ

МАҲАЛЛА БОШҚАРУВИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ:

ҲАР БИР МУАММО — РАҚАМЛИ НАЗОРАТДА, ҲАР БИР НАТИЖА — БАҲОЛАШ МЕЗОНИДА, ҲАР БИР ТАШАББУС — АНИҚ МОЛИЯВИЙ МАНБАГА ЭГА!

Маҳалла тизими тарихида 2026 йил июнь ойининг иккинчи ўн кунлиги алоҳида аҳамият касб этади, десак муболаға бўлмайди. Чунки айнан шу кунларда маҳалла институтини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилиниб, унинг келгуси тараққиёт йўналишлари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев **жорий йил 22 июнь куни** маҳаллалар фаолиятини рақамлаштириш ва Маҳаллани ривожлантириш миллий институтини ташкил этиш юзасидан тақдимот билан танишди. **Мазкур тақдимот оддий ҳисобот ёки навбатдаги муҳокама эмас эди.** Унда бугунги маҳалла ҳаёти, одамларни қийнаётган муаммолар, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги, рақамли технологияларни кенг жорий этиш имкониятлари, кадрлар салоҳияти ва маҳалланинг келажакдаги ривожланиш стратегияси атрофлича таҳлил қилинди.

Тақдимот давомида давлатимиз раҳбари билдирган фикр ва таклифлар маҳалла тизимини ислоҳ қилиш бўйича мутлақо янги ёндашувларни белгилаб берди. Энг муҳими, маҳалла фаолиятини замон талаблари даражасига олиб чиқиш, унинг жамият ҳаётидаги таъсирчанлигини янада кучайтириш ҳамда аҳоли муаммоларини ҳал этишдаги масъулиятини ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, тақдимотда билдирилган ғоя ва ташаббуслар қисқа вақт ичида амалий қарорларга айланди. Яъни орадан атиги икки кун ўтиб — **2026 йил 24 июнь санасида “Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги** Президент фармони имзоланди.

Бу ҳолат, бир жиҳатдан, маҳалла масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини кўрсатса, бошқа жиҳатдан, аҳоли турмуш сифати, маҳаллалардаги ижтимоий муҳит ва инсон қадри билан боғлиқ масалаларга давлатимиз раҳбари қанчалик катта эътибор қаратаётганининг яққол ифодасидир.

Давоми 2-саҳифада.

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРИ

КАТТА ОРЗУЛАР УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТ КУТИШ ШАРТ ЭМАС...

Катта майдонларда янграган исмлар ҳамиша ҳам катта шаҳарларда улғайган шахсларни ифодалай-вермайди. Баъзан уларнинг илк қадами олис маҳалла кўчаларида, болалик орзулари ичида қўйилади. Бугун нафақат Ўзбекистон, балки хориж футболида ҳам ўз ўрнига эга бўлган Рустам Ашурматовнинг йўли ҳам ана шундай оддий муҳитдан бошланган.



Давоми 5-саҳифада.

Қўқон шаҳрининг “Қўшчинор” маҳалласи бугун ўзининг машҳур фарзандларидан бири билан ҳақли равишда фахрланади. Бу маҳалладан чиққан Рустам Ашурматов нафақат миллий терма жамоамиз футболчиси, балки минглаб ёшлар учун меҳнат, сабр ва интилиш орқали мақсадга эришиш мумкинлигини кўрсатиб берган ёшлардан бири саналади.

“СЕНИКИ, МЕНИКИ”, ДЕГАН ҚАРАШ ЙЎҚ, МАСЪУЛИЯТ БАРЧАГА БАРОБАР”

4-саҳифада.

ОДАМЛАР ШУНЧАКИ ВАЪДАГА ЭМАС, НАТИЖАГА ҚАРАБ БАҲО БЕРАДИ

7-саҳифада.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

МОҲИЯТ

МАҲАЛЛА БОШҚАРУВИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ:

ҲАР БИР МУАММО — РАҚАМЛИ НАЗОРАТДА, ҲАР БИР НАТИЖА — БАҲОЛАШ МЕЗОНИДА, ҲАР БИР ТАШАББУС — АНИҚ МОЛИЯВИЙ МАНБАГА ЭГА!



Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор.

Президент фармонни маҳалла тизими фаолиятини такомиллаштиришга доир навбатдаги ҳужжат сифатида эмас, балки **маҳаллани давлат ва жамият ҳаётининг энг таъсирчан бўғинига айлантиришга қаратилган янги тараққиёт дастури** сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, Янги Ўзбекистонда инсон қадрини таъминлаш йўли маҳалладан, одамлар яшайдиган кўча ва хонадонлардан бошланади. Мазкур фармоннинг бош ғояси ҳам айнан шу ҳаётий ҳақиқатга таянади.

“ЕТТИЛИК” ФАОЛИЯТИГА АРАЛАШГАНЛАР УЧУН ТАҚДИМНОМА КИРИТИЛАДИ

Бир маҳалланинг тақдири — юзлаб оилалар тақдири, минглаб инсонларнинг орзу-интилишлари ва эртанги кунга бўлган ишончи демакдир. Шу боис мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини баҳолаш учун узоққа бориш шарт эмас — маҳалла муҳитига, обод кўчаларимизга, файзли хонадонлардаги ҳаёт сифатига назар ташлашнинг ўзи кифоя.

Фармонга кўра, **2026 йил 1 июлдан бошлаб,** “маҳалла етилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимларига** маҳаллалардаги муаммоларни тизимли таҳлил қилиш, масъул идоралар ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўналишларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ҳудудий дастурларни тайёрлаш ҳамда ижросини назорат қилишда иштирок этиш ҳуқуқи берилади.

Бу янгилик бежиз эмас. Чунки кейинги йилларда аҳолининг ижтимоий масалаларига оид кўплаб вазифалар айнан маҳалла даражасига туширилди. Бироқ айрим ҳолатларда маҳаллаларда аниқланган муаммоларни ҳал этишда турли идоралар фаолияти ўртасида мувофиқлаштириш тизими етарли даражада таъминланмаслиги, айрим масалаларнинг ечими чўзилиб кетиши ёки маълумотлар таҳлили асосида эмас, умумий ёндашувлар асосида қарорлар қабул қилиниши кузатилаётган эди.

Эндиликда мазкур меъёр орқали маҳаллалар ва давлат идоралари ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга олиб чиқилиб, **қарор қабул қилиш жараёнида маҳалла овози ва жамоатчилик фикрининг таъсири янада кучаяди.** Натижада ҳар бир маҳалланинг эҳтиёжи, ҳар бир оиланинг муаммоси ва ҳар бир фуқаронинг мурожаати давлат бошқаруви тизимида янада яқинроқ ва тезкорроқ эшитилади.

Яна бир муҳим янгилик — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг туман (шаҳар) бўлими бошлиқларига “маҳалла еттилиги” фаолиятига аралашганлик, уларни ўз хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этганлик ҳолатлари юзасидан **туман (шаҳар) ҳокимларига тақдимномалар киритиш ваколатининг берилишидир.**

Бу, бир қарашда, ташкилий масала бўлиб кўринса-да, аслида, маҳалла тизимининг мустақиллиги ва самарадорлигини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий кафолат саналади. Чунки айрим ҳолатларда маҳалла раислари ва “еттилик” аъзолари ўзларининг асосий вазифалари қолиб, турли йиғилишлар, ҳисоботлар ёки бевосита хизмат вазифасига кирмайдиган ишларга жалб қилинаётгани ҳам учраб турарди. Янги ваколат ана шундай ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Энди “еттилик”нинг асосий вазифаларига тўсқинлик қилувчи ҳолатларга нисбатан таъсирчан жамоатчилик ва институционал назорат тизими шакллантирилади. Мазкур янгиликни маҳалла ходимлари фаолиятининг дахлсизлиги ва самарадорлиги йўлидаги муҳим қадам, деб баҳолаш мумкин.

МАҲАЛЛА КАФИЛЛИГИ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ҳаётда ҳамма адашиши мумкин. Аммо ҳар бир инсонга тўғри йўлга қайтиш имкони ҳам берилиши керак. Шу нуқтаи назардан, маҳаллада яшовчи биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан ***маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг коллегиал қарори асосида енгиллик бериш имконияти*** *яратиляпти.*

Бу ерда энг муҳим жиҳат шундаки, маҳалла шунчаки тавсия бериб қолмайди. “Маҳалла еттилиги” бундай шахсларни **қайта тарбиялаш, уларни касбга ўргатиш, бандлигини таъминлаш, таълимга йўналтириш** ишларига шахсан масъул бўлади. Аслида, бу ёндашув халқимизнинг асрлар давомида шаклланган бағрикенглик, кечиримлилик каби қадриятларига ҳамоҳангдир. Чунки маҳалла ҳар доим инсон тақдирига бефарқ бўлмаган, адашганга тўғри йўл кўрсатган, қийналганга елкадош бўлган ижтимоий муҳит вазифасини бажариб келган.

Фармонда назарда тутилган яна бир муҳим жиҳат — натижа учун масъулият ва рағбатнинг уйғунлаштирилганидир. Агар **кафилликка олинган шахс уч йил давомида жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этмаса,** унинг ижобий ўзгаришига муносиб ҳисса қўшган **“маҳалла еттилиги” аъзосини қўшимча рағбатлантириш** чоралари кўрилади. Бу эса фақатгина расмий назоратни эмас, балки инсон тақдири учун ҳақиқий масъулият билан ишлашни рағбатлантиради.


МАҲАЛЛА РАИСИНИНГ ВАКОЛАТИ ОШАДИ

Бугунги замонда рақамли технологияларсиз тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Фармон билан белгиланган ***“Рақамли маҳалла” электрон платформаси маҳалла тизимини бошқаришда мутлақо янги босқични бошлаб беради.***

Эндиликда **аҳоли мурожаатлари, ижтимоий муаммолар ва таклифлар ягона электрон тизимда жамланади.** Сунъий интеллект технологиялари орқали мурожаатлар тўғридан-тўғри сараланиб, тегишли ташкилотларга йўналтирилади ва ижроси назорат қилинади. Натижада ортиқча бюрократик тўсиқлар қисқаради, мурожаатларни кўриб чиқиш муддати тезлашади ва аҳоли билан мулоқот сифати ошади. Энг муҳими, ҳар бир муаммо электрон назоратга олинади. Демак, унинг ечилмай қолиши ёки эътибордан четда қолиши эҳтимоли кескин камаяди.

Фармонда **маҳалла раисининг “еттилик” аъзоларига ҳақ тўлаш учун табель шакллантирилиши ва улар фаолиятини KPI асосида баҳолаш тартиби** жорий этилиши ҳам назарда тутилган.

Бу муҳим қадамдир. Чунки ҳар қандай тизимнинг самарадорлиги аниқ мезонлар асосида баҳоланганда ортиб боради. Энди фаолиятга эмас, натижага қаралади. Аҳоли муаммоларининг ҳал этилиши, мурожаатлар билан ишлаш сифати, ижтимоий кўрсаткичлар яхшиланиши асосий баҳолаш мезонига айланади.



МАҲАЛЛАЛАР “ҚИЗИЛ”, “САРИҚ”, “ЯШИЛ” ТОИФАГА АЖРАТИЛАДИ

Фармон билан маҳаллалар фаолиятини баҳолаш ва муаммоларни ҳал этиш самарадорлигини оширишнинг мутлақо янги тизими жорий этилмоқда.

Энди маҳаллалар **инфратузилма ҳолати, тадбиркорлик ривожи, камбағаллик ва ишсизлик даражаси, жиноятчилик ҳолати, низоли оилалар сони ҳамда аҳоли мурожаатлари** каби муҳим ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар асосида **“қизил”, “сариқ” ва “яшил”** тоифаларга ажратилади ҳамда уларнинг ҳолати доимий таҳлил қилиб борилади.

Бундай ёндашувнинг аҳамияти шундаки, эндиликда маҳаллалар фаолиятига умумий ёки субъектив баҳолар эмас, балки аниқ рақамлар ва ҳақиқий ҳолат асосида баҳо берилади. Қайси маҳаллада ишсизлик юқори, қаерда тадбиркорлик етарли даражада ривожланмаган, қайси ҳудудда ижтимоий муҳит ёки инфратузилма билан боғлиқ муаммолар кўпроқ экани аниқ кўриниб туради.

Бу эса муаммоларни яшириш ёки уларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки сабабларини бартараф этишга қаратилган манзилли чора-тадбирларни белгилаш имконини беради. Айниқса, “оғир” аҳволдаги маҳаллаларни эрта аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида чоралар кўриш имконияти пайдо бўлади.

Шу билан бирга, “Рақамли маҳалла” платформаси орқали киритилган **ҳар бир муаммо ва мурожаатнинг ҳал этилиши ҳолати кўп босқичли назорат тизими асосида** муҳокама қилиб борилади. Хусусан, **ҳар ойда** туман (шаҳар) ҳокимлари даражасида, **ҳар чоракда** Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирокида, **ҳар ярим йилда** эса Бош вазир раислигида танқидий муҳокама ўтказилиши белгиланган.

Бу тартиб аҳоли муаммоларининг қоғозда қолиб кетмаслигини, ҳар бир мурожаат ва ҳар бир масаланинг ижроси учун аниқ масъуллик шаклланишини таъминлайди. Энг муҳими, маҳалладаги муаммо энди фақат маҳалланинг ўзига тегишли масала эмас, балки давлат бошқарувининг барча бўғинлари диққат марказида бўладиган масалага айланади.

“МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИ” МАБЛАҒЛАРИ МАНБАЛАРИ КЕНГАЯДИ

Ҳужжатда маҳаллаларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам унинг муҳим жиҳатларидан биридир. Чунки ҳар қандай ташаббус, ҳатто энг тўғри ва долзарб ғоя ҳам етарли молиявий ресурслар билан таъминланмаса, кутилган натижани бермайди.

Шу маънода **Уюшманинг Маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармасига** ҳар йили **200 миллиард сўм маблағ** ажратилади.

Мазкур маблағлар “Фаровон ҳаётга илк қадам”, “Ишонч” лойиҳалари ва “Марифат орқали камбағалликни қисқартириш” дастурига йўналтирилади. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солишга қаратилган тадбирларни ўтказиш, болалар ва спорт майдончаларини ташкил этиш, ўз хизмат биносига эга бўлмаган маҳаллаларга янги бинолар қуриш ва жиҳозлаш ишларига сарфланади.

Фармон билан **Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасининг** қўшимча манбалари сезиларли даражада кенгайтирилмоқда. Хусусан:

• 2026 йил 1 июлдан маҳалла ҳудудида санитария қоидаларини бузганлик ва ноқонуний қурилиш учун ундирилган жарималарнинг ***10 фоизи;***

• 2027 йил 1 январдан жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғининг ***15 фоизи;***

• Маҳалладаги ***ҳудуди 5 минг метр квадраттача*** *бўлган давлат кўчмас мулкини сотишдан тушган маблағлар жамғармага йўналтирилади.*

Бу қарорнинг замирида муҳим бир тамойил мужассам: **маҳаллада яратилаётган иқтисодий фаоллик ва ҳудудда шакллантирилаётган молиявий ресурсларнинг маълум қисми яна шу маҳалланинг ўзига қайтиши керак.** Чунки маҳалладаги йўл, ёритиш, пиёдалар йўлаклари, қўкаламзорлаштириш, ижтимоий объектлар ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш бўйича эҳтиёжларни энг яхши биладиган ҳам, уларнинг натижасини энг кўп ҳис қиладиган ҳам маҳалланинг ўзи ҳисобланади.

Айниқса, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғидан маҳаллаларга ажратиладиган улушнинг **10 фоиздан 15 фоизгача оширилаётгани** алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, маҳаллалар зиммасига юклатилган вазифалар кўлами ҳам, аҳоли эҳтиёжлари ҳам сезиларли даражада ортди. Фақат давлат бюджети ёки марказлашган дастурлар ҳисобидан барча масалаларни ҳал қилиш имкони чекланган. Шунинг учун маҳалланинг ўз даромад манбалари кенгайиб бориши унинг ташаббус кўрсатиш ва муаммоларга тезкор жавоб бериш имкониятларини оширади.

Яна бир жиҳат — **маблағларнинг 10 фоизи** “оғир” тоифадаги йиғинларни ривожлантириш учун Уюшманинг Маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармасига ўтказилади. Бу — маҳалла тизимида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ижтимоий шериклик тамойилларининг амалий ифодасидир. Яъни бир ҳудуднинг муваффақияти фақат ўша ҳудуднинг эмас, балки бутун маҳалла тизимининг ривожига хизмат қилиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, фармон билан **2026 йил 1 июлдан бошлаб,** маҳалла биноларининг бўш турган хоналари “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали ижарага берилади. Бу қарор, аввало, давлат ва жамоат мулкидан оқилона фойдаланиш тамойилига асосланади.

Чунки айрим маҳаллаларда йиллар давомида бўш турган ёки тўлиқ фойдаланилмаётган хоналар мавжуд бўлиб, улар амалда маҳалла учун иқтисодий самара келтирмаётган эди. Энди эса мазкур бинолар тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ёки бошқа қонуний фаолият турлари учун очиқ ва шаффоф механизм асосида ижарага берилади. Муҳим жиҳати шундаки, ижарадан тушадиган маблағлар марказлаштирилмайди, балки бевосита маҳалланинг ўзида қолдирилиб, унинг инфратузилмасини яхшилаш ва ривожлантиришга сарфланади.

Қолаверса, фармонда **ўз хизмат биноларига эга бўлмаган маҳаллалар масаласига** ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда 99 та маҳалла ўз биносига эга эмас, яна 84 тасининг биноси шаҳарсозлик меъёрларига мос келмайди, 4 та бино эса “авария” ҳолатида. Бу эса аҳоли қабуллари, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва маҳалла фаолиятини самарали ташкил этишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида давлат-хусусий шериклик тизими жорий этилади. Унга кўра, маҳалла биноларини қуриш лойиҳаларида **Уюшманинг туман (шаҳар) бўлимлари давлат шериги сифатида** иштирок этади. Тадбиркорлар бунёд этган маҳалла биноларининг бир қисмига “еттилик” бепул жойлаштирилади, қолган қисмида эса аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қиладиган кичик цехлар ва сервис объектлари ташкил этилади.

“МАҲАЛЛА” АТАМАСИ ЮНЕСКО РЎЙХАТИГА КИРИТИЛАДИ

Фармон билан “Маҳалла етилиги” аъзоларининг асосий ва ҳамкорликдаги вазифалари белгиланди.

Амалиёт шуни кўрсатдики, айрим ҳолатларда вазифаларнинг аниқ чегараланмагани сабабли такрорланишлар, масъулиятнинг тарқоқлашиши ёки айрим масалалар бўйича ким жавобгар эканига оид ноаниқликлар учраб турган эди. Энди ҳар бир йўналиш бўйича масъул шахснинг ваколати, жавобгарлиги ва натижа учун масъулияти янада аниқлашади.

Бунинг аҳамияти шундаки, маҳалладаги ҳар бир муаммо бўйича ким ташаббускор, ким ижрочи ва ким натижа учун жавобгар экани очиқ-ойдин белгиланади. Натижада жамоавий ишлаш маданияти кучаяди, вазифаларнинг такрорланиши камаяди ва ҳар бир аъзонинг фаолиятини баҳолаш учун аниқ мезонлар шаклланади.

Ҳужжатга кўра, Маҳалла фаолиятини ривожлантириш бўйича Республика комиссияси таркиби тасдиқланди.

Республика комиссияси, аввало, “маҳалла еттилиги” аъзолари фаолиятини самарали ташкил этиш, уларга ўз вазифаларини лозим даражада бажариши учун услубий ва амалий кўмак бериш вазифасини бажаради. Комиссия шакллантирадиган ягона ёндашувлар, тавсиялар ва услубий тартиблар маҳаллаларда иш сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, комиссиянинг муҳим вазифаларидан бири аҳоли муаммолари билан ишлашда “маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика” тамойилининг самарали ишлашини таъминлашдан иборатдир. Бу тизимнинг моҳияти шундаки, ҳар бир муаммо энг қуйи бўғиндан бошлаб, босқичма-босқич кўриб чиқилади ва уни ҳал қилиш учун қайси даражада қандай ресурс ёки ваколат зарур бўлса, шу даражада ечим топилади.

Республика комиссияси турли вазирлик ва идоралар фаолиятини ягона мақсад атрофида бирлаштирувчи, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи муҳим платформа вазифасини бажаради. Бу эса муаммоларни соҳалар кесимида эмас, инсон манфаати нуқтаи назаридан комплекс ҳал қилиш имкониятини беради.

Фармон билан Маҳалла фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди.

“Йўл харитаси”да соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор ташаббуслар илгари сурилади. Жумладан, **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги** қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилади. Ҳар чоракда “Mahalla” газетасида **маҳалла раислари рейтинги** эълон қилиб борилади.

Фармонда маҳалла институтини нафақат мамлакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам кенг тарғиб қилишга қаратилган муҳим вазифалар белгиланган алоҳида эътиборга молик. Хусусан, маҳалла тизимини ўзига хос миллий бошқарув ва жамоатчилик институти сифатида дунё жамоатчилигига кенг танитиш мақсадида хорижда фаолият юритаётган ватандошлар, ўзбек диаспораси етакчилари орасида **“Маҳалла элчиси” жамоатчилик лавозими** жорий этилади.

Яна бир муҳим вазифа — **“Маҳалла” атамасини ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритиш** чораларини кўриш ҳисобланади. Бу ташаббус, аввало, маҳалла институтининг нафақат бошқарув тизими, балки халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзи, ижтимоий муносабатлари ва маънавий қадриятларининг ажралмас қисми сифатида эътироф этилишига хизмат қилади. Қолаверса, унинг халқаро микёсдаги нуфузини ошириш, тарихий ва маданий аҳамиятини жаҳон ҳамжамиятига кенг танитиш имконини беради.

Умуман олганда, мазкур фармон маҳалла тизими учун янги масъулият ва янги имкониятлар дастуридир. Энди маҳалладаги ҳар бир муаммо — рақамли назоратда, ҳар бир натижа — баҳолаш мезонида, ҳар бир ташаббус — аниқ молиявий манба билан таъминланади. Бу эса маҳаллаларни инсон қадри таъминланадиган, муаммолар ечим топадиган манзилга айлантиради. Зеро, Янги Ўзбекистоннинг эртанги қиёфаси ҳам айнан маҳаллалардан бошланади.



Президентимиз МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлади.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ АҚШ Савдо вакили Жеймисон Грир билан Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини муҳокама қилди.



Президент фармони билан “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИ” эсдалик нишони таъсис этилди.

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

“КАСБ-ҲУНАРЛИ ОДАМГА БОҚИМАНДАЛИК БЕГОНА, КЎМАК БЎЛСА КИФОЯ”

Бир куни маҳалламизда яшовчи, анчадан бери бекор юрган бир йигит хонамга кириб, “Менга нафақа ёки моддий ёрдам пули чиқартириб беринг, рўзғорни тебратиш қийин бўляпти”, деб қолди.



Саидқосимхон ҚОРАБОЕВ,
Қўқон шаҳридаги “Шикорбеги” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Унга қараб, “Укам, сенга тайёр пул берсак, бир ойга етади, кейин яна эшик олдида навбат кутиб турасан. Кел, ундан кўра, ҳунар ўргатайлик, қўлингга қармоқ берайлик, ўзинг пул топ”, дедим. Йигит таклифимга рози бўлди. Уни аввал мономарказга йўналтирдик, кейин молиявий кўмак бердик. Бугун ўз устахонасига эга, кичик тадбиркор.

Гувоҳ бўлганингиздек, мана шу тарзда боқимандаликка қарши зарба беряпмиз. “Ишсизман”, деган инсонларни касб-ҳунар марказларига йўналтиряпмиз. Чунки ҳунарли киши боқиманда бўлмайди.

Ҳоким ёрдамчиси лавозими халққа чин дилдан хизмат қилиш имконияти, деб биламан. Шу сабабли одамларнинг оғирини енгил қилиш —ҳар бир хонадон ва ҳар бир инсон тақдирини ўзгартиришга интиляпман.

Жорий йил Ўзбекистон делегацияси билан бирга, “Камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш” мавзусидаги семинар доирасида Хитой Халқ Республикасида бўлиб қайтдим. У ердаги илғор тажрибаларни қўллаб, янгиликларга қўл урдик.



“Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойилини йўлга қўйишимиз натижасида, қисқа фурсатда тикувчилик йўналишидаги хонадонлар сони 78 тадан 157 тага етди. 185 нафар маҳалладошимизга ўз тадбиркорлигини бошлаб, даромад топишлари учун умумий қиймати 1,4 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратдик.

Бугун сизга давлат берган имкониятдан тўғри фойдаланиб, нафақат рўзғорини бутлаган, балки ишсизликни маҳалланинг ўзида туриб енгган инсонлар ҳаётидан ибратли мисолларни сўзлаб бермоқчиман.

Нигора Зафарова иккинчи гуруҳ ногирони. Туғма юрак нуқсони билан туғилган бўлса-да, ҳеч қачон тақдирдан нолиб, боқиманда бўлиб, ёрдам кутиб ўтирмайди. 1997 йилдан буён миллий зардўзлик ҳунари билан шуғулланиб келади. “Хонадонбай” юриб, унга қўллов кераклигини англадим.

Кредит маблағи эвазига тикув машиналари, дастгоҳлар олишига ёрдамлашдик. Ҳозир шогирдлари ва қизлари билан биргаликда миллий қўғирчоқлар ясаб, уларни хорижга экспорт қиляпти. Бугун устахонасида маҳалладош ёшларимиз ҳам меҳнат қилишяпти. Масалан, 21 ёшли Иброҳимжон Шарипов омборхона бўлимида ишлаб, оиласига моддий ёрдам бермоқда. Саноат йўналишидаги йирик лойиҳалар — 3 та тикув корхонасида 100 нафардан ортиқ хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

Ёшлар билан ишлаш жараёнида яна бир ташаббусни бошладик. 24 ёшли Зикрулло Неъматов 2022 йилда, атиги 20 ёшида ишлаб чиқариш соҳасига кириб келган эди. Дастлаб субсидия олиб, ўзини ўзи банд қилган бўлса, кейинчалик кредит эвазига 3 та янги иш ўрни яратди. У билан суҳбатлашганимизда, лойиҳасини кенгайтириш бўйича таклиф билдирди. Улушдор топишда ёрдам сўради. Шижоатини кўриб, унга дарҳол кўмак бердик.

Маҳалла фаолиятини янада ривожлантириш имконияти бор. Бунинг учун “еттилик” билан ҳамкорликда бир нечта таклифлар ишлаб чиққанмиз. Жумладан, чевар аёллар ва ҳунармандлар маҳсулотини халқаро бозорга тўғридан-тўғри олиб чиқиш учун онлайн платформа яратиш ва ёшларни рақамли савдога ўқитиш керак. Шунингдек, ёш тадбиркорлар ўзаро тажриба алмашадиган, улушдорлар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатадиган рақамли марказ ташкил этиш лозим.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

МАҲАЛЛА ҚИЁФАСИНИ ИШОНЧ ВА ТАШАББУС ЯНГИЛАДИ

Музаффар ҲАСАНОВ,
Навбаҳор туманидаги “Тошработ” маҳалласи раиси.

Маҳалламизга бундан 3-4 йил аввал келган инсон бугунги ўзгаришлардан ҳайратга тушади. Аввалги ҳолатни кўрганларнинг кўз олдига лойқа кўчалар, баҳорда сув тошадиган зовур бўйлари ва бекорчиликдан томорқасини қаровсиз қолдирган хонадонлар келарди.



Қўпчилик тезроқ бу ердан кетишни, шаҳардан иш излашни ўйларди. Бироқ, бугун бутунлай янги манзарага гувоҳ бўляпмиз. Кўчага чиқсангиз, бир ёнда равон асфальт йўллар, иккинчи тарафда уйи олдини гулзору узумзорга айлантириб, миллионлаб даромад топаётган деҳқонлар, сал нарироқда эса замонавий “IT” ва хорижий тилларни ўргатишга ихтисослашган ёшлар академияси қад ростлаган.

Дарҳақиқат, имкониятлардан тўғри фойдаланиш натижасида энг намунали ва илғор масканга айландик.

Ободлик сари қадам, биринчи навбатда, унутилган ички йўлларни таъмирлашдан бошланди. Жами 3 километрдан ортиқ масофани таъмирлаш режалаштирилган бўлса, ҳозирга қадар 2 километр қисмига тўлиқ асфальт-бетон қопламаси ётқизилди. Бу саъй-ҳаракатлар маҳалладошларимиз, айниқса, мактабга ва ўқув марказига қатнайдиган фарзандларимиз учун қулай, хавфсиз ҳаракатланиш шароитини яратди.

Йўлларимиз равон бўлгач, аҳоли янги — гулчилик ва узумчилик ташаббусини илгари сурди. Ҳудудимизнинг табиий иқлим шароити, ер майдонлари ва сув ресурслари таҳлил қилиниб, хонадонлар атрофида “Яшил макон” яратилди, намунали узумчилик кўчалари ташкил этилди. Лойиҳа доирасида хонадонлар ва кўча бўйларида юқори ҳосилдор узум токлари экилиб, замонавий агротехник усуллар асосида парваришланмоқда. Шу билан бирга, аҳоли даромадини оширишга хизмат қилувчи кичик гулчилик лойиҳалари йўлга қўйилди.

Ёшларнинг ақлий салоҳиятини ошириш, уларни замонавий касбларга йўналтириш борасида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ёш тадбиркор Мақсуд Гулмаматов ташкил этган “Ziyo Lider Akademiyasi” нодавлат таълим муассасаси фаолияти фикримизнинг ёрқин исботидир.

Мақсудбек ҳудуддаги ёшларни билимли ва рақобатбардош кадрлар сифатида тарбиялашга ҳисса қўшмоқда. Бу ерда ўқув фанлари, чет тиллари ва замонавий касб-ҳунар ўқитадиган курслар йўлга қўйилган.

Аслида, имкониятимиз бундан-да, катта. Масалан, “Ziyo Lider Akademiyasi”да замонавий рақамли деҳқончилик, ахборот-технологиялари йўналишида махсус курслар ташкил этиш мумкин. Бундан ташқари, онлайн савдо платформаси ишга тушурилса, етиштирилаётган сархил узумлар, майизлар ва манзарали гулларни тўғридан-тўғри харидорларга сотиш, ўртакашларсиз юқори даромад топиш мумкин. Ҳозирда шу йўлда изланяпмиз.

МУАММО ВА ТАКЛИФ

“Диагноз” тайёр, “лечение”ни бошланг!

Ҳар йили 21 октябрь санаси яқинлашганда ўзбек тилининг софлиги, унинг давлат тили сифатидаги ўрни ҳақида қизғин баҳслар, баланд-парвоз чиқишлар бошланади. Ижтимоий тармоқлар тил ҳимоячилари билан тўлади. Бироқ байрам тугаши билан ҳаммаси эски ўзанига қайтади ва натижа “қумга сингган сув” каби изсиз йўқолади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Бугунги кунда ҳатто вазирлик ва нуфузли идораларда “Давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчи” лавозими жорий этилганига қарамай, кўп муассасаларда етарли ишлар бажарилмаяпти. Давлат тилига “иккинчи тил” сифатида қаралмоқда. Бу ҳолат, айниқса, тиббиёт соҳасида, ташхислаш жараёнида оғриқли бўлиб турибди.

Тасаввур қилинг, бемор шифокор ҳузуридан чиқади. Қўлида — УТТ (УЗИ), МРТ ёки қон таҳлили натижалари ёзилган қоғоз. Ундаги тиббий ташхис рус тилида (масалан, “Диффузные изменения печени”, “Остеохондроз поясничного отдела позвоночника”) баён этилган. Агар рус тилини билмаса, бемор шифокорга юзланиб, “Доктор, бу нима дегани, менга тушунтириб беринг”, — дейишга мажбур. Ёки танишларидан ёрдам сўрайди.

Хўш, муаммонинг илдизи қаерда? Бу савол билан Соғлиқни сақлаш вазирининг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси Жўрабек Жангировга мурожаат қилдик.

Унинг таъкидлашича, шифокорларнинг аксарияти тиббий таълимни рус тилида олган. Илмий адабиётлар ва ташхис қўйиш мезонлари рус тилида сақланиб қолган.

Мутахассиснинг жавоби қатор саволларни келтириб чиқарди. Наҳотки, 37 йилдан бери “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги қонуни талаблари асосида тиббий адабиётларни, тиббий атамаларни ўзбекчага алмаштириш, дарсликларни ўзбек тилидагисини чоп этиш, ташхислаш жараёнини соф она тилимизга мослаштиришнинг имкони бўлмади?



Айни пайтда вазирлик ва муассасаларда фаолият юритаётган тил маслаҳатчиларининг вазифаси ҳужжатларни имло хатоларидан холи қилиш ёки фақат байрам тадбирларини ташкил этишдан иборат эмас. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигида соҳага оид атамаларни, хусусан, тиббий ташхисларни давлат тилига мослаштириш, миллий тиббий атамашунослик мактабини шакллантириш каби долзарб муаммолар ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқиш фурсати етиб, ўтиб ҳам кетди.

Бунинг учун барча касалликлар ва ташхислар халқаро таснифга мос ҳолда давлат тилидаги ягона тиббий луғат ва қўлланмаларга киритилиши керак. Тиббиёт олийгоҳларида магистратура ва клиник ординатура босқичида дарсликлар ва илмий ишлар тўлиқ давлат тилига ўтказилиши лозим.

Умуман, давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчи фаолиятига ҳисоботдорлик талабини қўйиш ҳамда тиббий хулосаларни ўзга тилда бераётган муассасаларга нисбатан қонуний таъсир чораларини қўллаш шарт ва зарур.

Зеро, тилимизга бўлган эътибор — миллат келажагига эътибордир. У қоғозда эмас, балки кундалик ҳаётимизда акс этсагина ҳақиқий ва ҳуқуқий мақомга эришади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

Яшириб нима қилдик, бугун иссиқ кунларда кўплаб томорқачи ва иссиқхона эгалари помидор мевалари ёрилиб кетиш каби оғриқли муаммога дуч келмоқда. Кўпчилик буни табиатнинг инжиқлиги ёки тасодиф, деб билади. Аслида эса, бунинг негизида илмий ва агротехник сабаблар ётибди.

ЁЗДА ПОМИДОР МЕВАСИ ЁРИЛСА, НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?




Шодмон НАМОЗОВ,
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Иссиқхонада помидор етиштиришда кўпинча пишган, ҳатто хом меваларнинг тўсатдан оммавий ёрилиши кузатилади. Бу ҳолатнинг бир нечта сабаблари бор ва улар бир-бирига чамбарчас боғлиқ.

Биринчи навбатда, қуёш қаттиқ қиздириши натижасида тупроқ тез қуриб, ундаги зарур намлик йўқолади. Бундай шароитда юқори ҳарорат помидор меваларининг табиий етилиш жараёнини секинлаштиради ва уларнинг устки пўстлоғи қаттиқлашади. Мана шундай вазиятда, агар меъёрдан ортиқ суғорилса, меванинг ички тўқималарида суюқлик босими кескин ортиб кетади. Натижада пўстлоқ ички босимга дош беролмай, ёрилади.

Бундан ташқари, тупроқда азот миқдори ортиқча бўлса, калий етишмаса, ёрилиш хавфи янада ошади. Озиқлантиришдаги номутаносиблик ҳужайралар деворини заифлаштириб қўяди.


Ушбу омилларга энг тўғри ва замонавий ечим — томчилатиб суғориш усулидир. Бу тизим орқали юқоридаги муаммолар хавфи анча камаяди.



Коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахсларнинг ЭЛЕКТРОН РЕЕСТРИ ЮРИТИЛАДИ.



Наманган вилоятининг 34 минг нафар аҳолиси ИЛК БОР МАРКАЗЛАШГАН ИЧИМЛИК СУВ билан таъминланади.



Мактабларнинг олий малака тоифасига эга ўқитувчилари педагогика соҳасида МАГИСТРАТУРАГА ЎҚИШГА МАҚСАДЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“СЕНИКИ, МЕНИКИ”, ДЕГАН ҚАРАШ ЙЎҚ, МАСЪУЛИЯТ БАРЧАГА БАРОБАР”

Халқимизда “Аҳил бўлган эл ўзар, ноаҳил эл тўзар”, деган доно мақол бор. Ҳақиқатан, ҳар қандай қийин ва мураккаб вазифани ҳамжиҳатлик билан осонгина ҳал қилиш мумкин. Жамоавий меҳнатда, бирдамлик бор жойда ривожланиш ва юксалиш бўлади.



Элёр МАҲМУДОВ,
Чуст туманидаги
“Янги ҳаёт” маҳалласи раиси.

Айниқса, маҳалла тизимида айни ёндашув асосида иш кўриш жуда муҳим. Шу боис бизнинг ходимлар орасида “сеники, меники”, деган қараш йўқ. Аҳолининг тинч ва фаровон турмуш кечириши йўлида қўлимиздан келганча ҳаракат қиляпмиз. Жиноятчиликнинг олдини олиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ишсизликни бартараф этиш, камбағалликни қисқартириш “еттилик”нинг бир бутун мақсадига айланган.

Ҳудудимиз “драйвери” — деҳқончилик ва чорвачилик бўлиб, фуқаролар бу борада катта тажрибага эга. Охирги йилларда эртапишар картошка етиштириш анъана тусига кириб боряпти. Ҳосил йиғим-терими вақтида миришкорлар томорқа ва ижара асосидаги ерларидан кунига умумий ҳисобда 300-400 тоннагача маҳсулотни сотувга чиқаради. Иккинчи экин сифатида эса маккажўхори ҳамда ловияни энг маъқул танлов, деб билишади. Ер жуда унумдор, оқова сувдан муаммо йўқ, фақат меҳнат қилишнинг ўзи етарли.

Маҳалламиздаги 80 фоиз хонадонларда қорамол ва майда шохли чорвалар боқилади. Кўпчилик буни юмуш эмас, қизиқиш, деб билади. Сут ва қатиғи ўзидан чиқади. Маблағ зарур бўлиб қолганда, сотиб, бемалол ишлатади.

Йил бошидан буён бешта микролойиҳани амалга оширишга эришдик. Шу орқали 7 кишининг доимий бандлиги таъминланди. Хусусан, эндигина 18 ёшни қаршилаган Омадбек Абдуназаров тадбиркорлик сари илк қадамларини ташлади. У маҳалла тавсияси билан берилган 10 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига автоювиш шохобчаси ташкил этиб, иккита иш ўрни яратди. Ёшларимиз ғайрат билан ҳаракат қилишяпти. Даромадлари ҳам анча яхши.



Яна бир фуқаро Фаррух Мақсудов анча вақтдан буён савдо йўналиши бўйича тажриба тўплаб юрган эди. Билим ва малакасидан унумли фойдаланиш мақсадида ўзининг шахсий дўконини очди. Бу ташаббус маҳалла аҳли учун ҳам айни муддао бўлди.

Ҳудудимиз ўзига хос табиати ва анҳори билан кўпчиликнинг эътиборига тушган. Ҳар куни дам олиш мақсадидаги 2000 нафардан зиёд сайёҳни қабул қиламиз. Мазкур йўналишни янада ривожлантириш учун меҳмон уйларимиз сонини кўпайтирмоқчимиз. Йил якунига қадар уларнинг сонини 11 тага етказиш назарда тутилган.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Ҳаётнинг биз билган ва билмаган қирралари жуда кўп. Яшаганимиз сари уларни ўзимиз учун кашф этиб бораверамиз. Мен ҳам маҳалладаги ўн йиллик фаолиятим давомида кўп нарсаларни ўргандим. Хонадонларга кириб борар эканман, бирини кўриб фикр қилсам, бирини кўриб шукр қилдим.

ШОҲОНАЛИК ШАРТ ЭМАС, ШИРИН ТУРМУШ ҚУРМОҚЛИК БАХТДИР

Нодира ИМОМОВА,
Кармана туманининг
Фарҳод ва Хўжа Хисрав
номидаги маҳаллалари
хотин-қизлар фаоли.



Энг муҳими, бизга берилган ҳар бир дақиқа ғанимат эканини англадим. Қолаверса, яқин инсонларимизнинг қадрига етишимиз, уларни асраб-авайлашимиз кераклигини тушундим.

Йил бошидан буён 4 та низоли хонадон вакилларини муросага келтирдик. Агар ҳолатларга таҳлилий назар ташлайдиган бўлсак, аёлларимизда айб кўпроқдек, назаримда. Айниқса, телефон муаммолар қўламини кенгайтириб юборяпти. Ёш келинларимиз ижтимоий тармоқларда кўз-кўз қилинаётган тўкин-сочин ҳаётни истаб, турмуш ўртоғи олдига катта-катта талаблар қўйишяпти. Оила имкониятини ҳисобга олмаган ҳолда шоҳона ҳаёт истаяпти.

Ҳеч бир билим бекор кетмаганидек, аёллар билан учрашганимда, орттирган тажрибамга таяниб, керакли маслаҳатларни бераман. Баъзан арзимас сабаб билан келиша олмаётган эр-хотинларга мисоллар ёрдамида оиласини асраб қолиши нақадар муҳимлигини тушунтираман.



НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

ҚАЛАМ ҚУДРАТИДАН ҚУВВАТЛАНГАН ҚАЛБ

Қорақалпоқ журналистикаси ва адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлардан бири — Пардагул Хўжамуротова. Унинг кўп йиллик фаолияти матбуот ва ижод соҳаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, журналист сифатида самарали меҳнати кенг эътироф этилган.



Ўткир қалам соҳиби турли йилларда “Нукус ҳақиқати”, “Еркин Қарақалпақстон” каби газеталарда масъул лавозимларда ишлаб, долзарб мавзулардаги мақолалари, таҳлилий ва публицистик чиқишлари билан кенг жамоатчилик эътиборини қозонди.

Ижодкор журналистика билан бир қаторда бадиий ижод билан ҳам шуғулланиб, ҳикоя, новелла ва эссе жанрларида қатор асарлар яратди. Унинг “Она соғинчи”, “Умр довонлари”, “Виждон суди”, “Сенга ёлғон, менга чин”, “Онам тушимга кирган кун” ва “Газетачилар” китоблари кўпчиликка яхши таниш.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ,
журналист.

Ҳозирда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлган Пардагул Хўжамуротованинг кўп йиллик самарали меҳнатини давлат ва жамоатчилик муносиб эътироф этиб келяпти. У “Қорақалпоғистон халқ таълими аълочиси”, “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги” кўкрак нишони соҳиби ҳамда “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони билан тақдирланган.

Жорий йил ижодкор ўзининг 70 ёшини қарши олмоқда. Унинг бой ҳаётий тажрибаси, касбига садоқати ва ижодий фаолияти бугунги ёш журналистлар учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА
тайёрлади.

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

“НАМУНАЛИ ТОМОРҚАЧИ АЁЛ — ФАРОВОНЛИК БУНЁДКОРИ!”

Сайхунобод туманида “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида “Намунали томорқачи аёл – фаровонлик бунёдкори!” лойиҳаси бўйича маҳорат дарси ташкил этилди.

Ғулом
ПРИМОВ, журналист.



Тадбирда хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва томорқа ерларидан самарали фойдаланиш бўйича амалий тажрибалар оммалаштирилди. Маҳорат дарси иштирокчилари “Нуробод” маҳалласида яшовчи фаол томорқачи Мавлуда Мавлонованинг хонадонида бўлиб, унинг тажрибаси билан яқиндан танишди. У 10 сотих майдонда булғор қалампири етиштириб, мавсум якунига қадар 50 миллион сўмгача даромад олишни режалаштирган. Шунингдек, 5 сотих майдонда ташкил этилган иссиқхонада помидор парваришлаб, қўшимча даромад манбаини яратган.

Тадбир давомида иштирокчиларга томорқадан унумли фойдаланиш, иссиқхона ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва бозорга чиқариш бўйича амалий кўрсатмалар берилди. Намунали томорқачи деҳқончиликни чорвачилик ва гулчилик билан уйғунлаштириш орқали оила даромадини янада ошириш мумкинлигини таъкидлади.

“Намунали томорқачи аёл — фаровонлик бунёдкори!” — шунчаки ташаббус ёки лойиҳа эмас. Унинг замирида аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, оилалар даромадини кўпайтириш ва ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиш ғояси мужассам. Бугун ўз меҳнати билан намуна кўрсатаётган аёллар тажрибаси бошқа оилалар учун ҳам амалий мактаб вазифасини ўтамоқда.

Шу боис бу борадаги ишларни янада кенгайтириш, қамровини ошириш ва илғор тажрибаларни маҳаллаларда оммалаштириш, албатта, ўз самарасини беради.

Бундай вазиятларда доим нуроний онахонлар кўмагига таянаман. Турмушнинг паст-баландини кўрган, қийинчиликларда тобланган аёлларимиз ёшларга узоқ насиҳат қилишади. Ҳамма нарсага ҳалол меҳнат билан эришганда, мазаси ширин бўлишини тушунтиради. Бу каби йўл-йўриқлардан кимдир тўғри хулоса чиқарса, бошқалари қайсарлик билан айтганида туриб олади.

Агар оилада эр-хотин аҳил ва иноқ бўлса, барча юмушларни бамаслаҳат ҳал этса, барака бўлади. Қолаверса, ёшларга меҳнат қилиш орқали неъматларни қадрлашни ўргатишимиз керак.

Маҳалламизда ўз мақсадига эришиш учун тинимсиз ҳаракат қилаётган аёлларимиз ҳам кўплаб топилади. Рушана Очилова шулардан бири. У жорий йилда маҳалла тавсияси билан берилган 100 миллион сўм кредит эвазига цитрус меваларни қадоқлайдиган цех ташкил этди. Ҳозирги кунда 5 нафар ходим билан маҳсулотларни онлайн савдога чиқаряпти. Ортганини хорижга экспорт қиляпти.

Дилафрўз Эшбобоева эса яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда етакчи. Аввалига уйида оз-оздан чучвара тугиб сотишдан бошланган фаолият бугунга келиб 14 нафар хотин-қизнинг даромад манбаига айланган. Ишлаб чиқариш қўлами ҳамда турлари анча кенгайди. Бугун пазандалар манти, дўлма, лағмон, чучвара ҳамда сомса каби таомларни қадоқлаб, дўконларга етказиб беришяпти. Шундай тиришқоқ аёлларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатишдан сира чарчамайман.

Йил якунига қадар опа-сингилларимиз учун спорт маркази ташкил этишни режалаштирганмиз. Шу орқали уларнинг вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда саломатлигини тиклашга ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз.



Боғчалардаги ЎРТА МАХСУС МАЪЛУМОТЛИ ПЕДАГОГЛАР дуал таълим асосида ўқитилади.



Ўзбекистонда ХИТОЙНИНГ ЛЯОНИН ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ ташкил этилади.



“Moody's Ratings” халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистоннинг СУВЕРЕН КРЕДИТ РЕЙТИНГИНИ “BA2” ДАРАЖАСИГА оширди.

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Етакчи вазифасигача бир неча босқичларни босиб ўтдим. Чунки ёшлар билан ишлаш оддий иш эмаслигини бошидан тушунардим. Бу йўл ташқаридан қараганда оддийдек туюлади, аслида эса ҳар бир ёшнинг дарди, орзуси, келажаги билан ишлаш дегани.

ЁШЛАРНИ ТИНГЛАМАСДАН ҚАРОР ЧИҚАРМОҚЛИК ХАТО

Баҳром ҲАБИБУЛЛАЕВ, Бекобод туманидаги “Ўзбекобод” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Албатта, иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Бир воқеа ҳалигача ёдимда. Бир йили бир йигитни шошилиб субсидия дастурига тавсия қилганмиз. Ҳужжатига қараб, ҳаммаси жойида, деб ўйлаганмиз. Лекин кейин маълум бўлдики, унинг асл қизиқиши тадбиркорлик эмас, бошқа йўналишда экан. Натижада бошлаган ишини давом эттира олмади. Шу ҳолат бизга катта сабоқ бўлди — ёшларнинг ўрнига қарор чиқармаслик, аввал уни эшитиш керак экан. Устозларимизнинг маслаҳатлари билан ёндашувимизни ўзгартирдик: аввал суҳбат, кейин имконият...

Маҳалиятимни ёшлар ташкилотида мутахассис сифатида бошладим ва икки йил давомида шу йўналишда **ишладим.** Қаерда ёшлар билан боғлиқ янгилик бўлса, кузатдим, тажриба йиғдим, кўрдим, ўргандим. Шу йиллар менга бир нарсани ўргатди — ёшларга тайёр йўлни кўрсатиб бўлмайди, унга йўл топишга ёрдам бериш керак.

Орадан бир неча йил ўтиб, маҳаллада ёшлар етакчиси сифатида иш бошладим. Ҳозир ҳудудимизда 1 150 нафар йигит-қиз бор. Уларнинг асосий машғулоти — деҳқончилик ва чорвачилик. Ер билан тиллашаётган ҳам, меҳнат қилаётган ҳам асосан ёшларимиз.



Ишнинг бошидаёқ 50 нафар ёшга 30 сотихдан ер ажратилишига эришдик. 2 нафарини ҳарбий хизматга кузатдик. 15 нафар ёшнинг шартнома пуллари тўлаб берилди. Кам таъминланган оила аъзоси бўлган 6 нафарини ўқув марказларига жойлаштирдик, яна бир нафари эса “маҳалла еттилиги” тавсияси билан хусусий мактабда ўқишни бошлади.

Бугун натижалар ҳам кўрина бошлади. Тадбиркор ёшларимиз ўзини кўрсатмоқда. Жумладан, Асадбек Жавлонов 100 миллион сўм кредит олиб, маҳаллага музқаймоқ ускунасини олиб келди. Ҳозир одамлар учун мазали маҳсулот тайёрлаяпти. Энг қувонарлиси, ўзи билан бирга яна 3 нафар ёшни иш билан таъминлади ва кичик цех фаолиятини йўлга қўйди. Йил бошида рўйхатга олинган 9 нафар йигит-қизга ҳам шундай амалий кўмаклар кўрсатилди. Натижада 8 нафари субсидия асосида фаолият бошлади, 1 нафари эса доимий ишга жойланди.

Биз бугун ер орқали, тадбиркорлик орқали ёшларни банд қилишга ҳаракат қиляпмиз. Лекин ичимизда битта тилак бор — ҳудудимизда корхона ва ишлаб чиқариш жойлари кўпайиб, ёшларимиз ўз маҳалласида ишласа. Чунки ҳозир кўпчилик ёшлар иш излаб миграцияга ёки шаҳарга кетишга мажбур бўляпти.

Шунга қарамай, умидимиз катта. Чунки бугун бир ёшнинг ижобий ҳаракати — эртага бутун маҳалланинг ўзгариши дегани. Бизнинг вазифамиз эса ёшларни тўғри йўналтириб, уларга имконият яратишдан иборат.

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

КАТТА ОРЗУЛАР УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТ КУТИШ ШАРТ ЭМАС...



Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Рустам Ашурматовнинг футболга кириб келиши ҳам оддий қизиқишдан бошланмаган. Оила муҳитида спортга меҳр бор эди. Собиқ футболчи ва бугун мураббийлик фаолияти билан шуғулланаётган Бахтиёр Ашурматов унинг футболга меҳри уйғонишида муҳим ўрин тутган.

***— Футболга кириб келишимга, биринчи навбатда, тоғам сабаб бўлган,* — деган эди Рустам Ашурматов.** *— Уларнинг ўйинларини кўриб, қизиқишим ортган. Бобом ҳам мени худди тоғам каби футболчи бўлишимни истаган ва Қўқондаги “Кимёгар” футбол мактабига олиб борган. Олти ёшимдан футболнинг сир-асрорларини ўргана бошлаганман.*

Шу оддий бошланган қизиқиш вақт ўтиши билан катта мақсадга айланди. Кўпчилик футболни томоша қилишни яхши кўради, лекин кам одам майдонда қолиш учун қанча меҳнат кераклигини билади. Рустам ҳам ўз йўлида танловлар, рақобат ва машаққатли машғулотлардан ўтди.

— Рустамнинг ютуғи тасодиф эмас, ***— дейди “Қўшчинор” маҳалла раиси Бахтиёр Раупов.*** *— У болалигидан ҳаракатчан, интизомли ва мақсади бор болалардан бири эди. Катталарнинг гапига қулоқ тутишни биларди. Биз унинг ўсиб боришини маҳалла ичида кўриб келганмиз. Бугун у катта футболда юрган бўлса, бунинг ортида йиллар давомида қилинган меҳнат бор. Энг муҳими, Рустам маҳалламиз ёшларига бир нарсани кўрсатди — катта орзулар учун катта имконият кутиб ўтириш шарт эмас, бор имкониятни қадрлаб ҳаракат қилиш керак.*

Унинг профессионал фаолияти “Бунёдкор” академияси билан боғлиқ. Ўша пайтларда клуб “Қурувчи” номи билан фаолият юритарди. Вилоятларда иқтидорли ёшлар учун мусобақалар ташкил қилинган ва Қўқондаги саралаш жараёнида Рустам ҳам кўзга ташланган. Кейин пойтахтга чақирилган 20 нафар ёш футболчи орасида яна бир бор саралаш бўлиб ўтган ва якунда фақат уч нафар ўйинчи қабул қилинган. Шу учлик ичида Рустам Ашурматов ҳам бор эди. Бу танлов унинг ҳаётидаги биринчи катта бурилиш бўлди.

2014 йилда қисқа муддат “Қўқон-1912” жамоасида ҳаракат қилди. Майдонга кўп тушмаган бўлса-да, бу давр унга тажриба берди. Кейин яна “Бунёдкор”га қайтди ва жамоанинг асосий ҳимоячиларидан бирига айланди. 2019 йилда Рустам учун яна янги саҳифа очилди. У Жанубий Кореянинг “Гвангжу” клубига кўчиб ўтди.

Янги мамлакат, янги муҳит, янги талаблар... Лекин у бу чақириқдан чекинмади. Кўп ўтмай, бу уринишлар амалда ҳам ўз исботини топди. Илк голини “Сувон Сити”га қарши ўйинда урди ва жамоаси билан мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. Кейинчалик “Гангвон” сафида ҳам ҳаракат қилди. 2022 йилда у Ўзбекистонга қайтиб, Наманганнинг “Навбаҳор” жамоаси билан шартнома имзолади. Бу ердаги муваффақиятли мавсумдан кейин Россиянинг “Рубин” клубига йўл олди. Ҳозирда у Эроннинг “Истиқлол” жамоасида тўп суряпти.

Рустамнинг футболдаги йўли фақат клублар билан чекланиб қолмади. У 2013 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг турли ёшдаги терма жамоаларида иштирок этди. 17 ва 20 ёшлилар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида қатнашди. 2018 йилда эса Ўзбекистоннинг 23 ёшгача бўлган терма жамоаси билан Осиё чемпиони бўлиб, финал баҳсида гол урган футболчилардан бири сифатида мухлислар хотирасида қолди.

Бугун Рустам Ашурматов миллий терма жамоанинг тажрибали ҳимоячиларидан бири сифатида майдонга чиқмоқда. Лекин унинг фаолиятига қараганда, энг муҳим жиҳат голлар эмас. Энг муҳим жиҳат — “Қўшчинор” маҳалласида катта орзулар қилган бир боланинг орзуси йўлда қолмаганида. Чунки катта майдонларга чиқиш ҳамиша катта шаҳарлардан бошланмайди. Баъзан у маҳалла кўчасидан, ота-она ишончидан ва болаликда айтилган “сен қила оласан”, деган бир оғиз сўздан бошланади.

НИМА ЎЗГАРАДИ?

“Янги Ўзбекистон ёшлари – 2030” стратегиясини 2026-2027 йилларда амалга ошириш ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ, давлат хизматига ёшларни қабул қилиш жараёнларида ягона ёндашувни таъминлашга қаратилган янги тартиблар жорий этилади.

ЁШЛАР ЯГОНА ЁНДАШУВ АСОСИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ



Мазкур қарорнинг мазмуни оддий: давлат хизматига киришда имконият ҳамма учун бир хил бўлиши керак. Ёшлардан фақат натижа, билим ва ҳаракат талаб қилинади. Бу эса келажакда давлат идораларида янги фикрлайдиган, ташаббускор ва масъулиятли кадрлар кўпайишига хизмат қилади.

Бахтиёр ҚЛИЧОВ, Жиноят ишлари бўйича Кўкдала тумани суди тергов судьяси.

Эндиликда давлат хизматига қабул қилишда суҳбат босқичида бериладиган саволлар давлат ташкилотининг расмий веб-сайтида камида 1 ой олдин эълон қилинади. Энг муҳими, олдиндан эълон қилинмаган саволларни номзодларга бериш тақиқланади. Бу орқали ҳар бир ёш ўз билим ва салоҳияти асосида тайёргарлик кўриш имконига эга бўлади.

Қарор билан яна бир муҳим янгилик белгиланди. Давлат хизматида айрим лавозимлар учун ички танловлар ўтказилмайди. Шу билан бирга, танлов ўтказишда номзодларга нисбатан умумий ёки махсус иш стажи талаб қилинмайдиган лавозимлар рўйхати шакллантирилади.

Шунингдек, айрим лавозимларда иш стажи талаб қилиниши мумкин бўлса-да, бу талаб энг кўпи билан 2 йил умумий ёки махсус иш стажи билан чекланади. Бу эса олий таълимни якунлаган ёки меҳнат фаолиятини энди бошлаётган ёшлар учун давлат хизмати эшикларини янада кенг очади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Навбаҳор ҒАНИЕВА, Наманган вилояти:

— Фарзандим ҳозир 15 ёшда. Унинг фамилиясини ўзгартирмоқчиман. Бунинг учун рухсат керакми ва қандай тартибда амалга оширилади?

“Фарзандим фамилиясини ўзгартира оламанми?”

Тўхтасин ОЧИЛОВ, ҳуқуқшунос, адвокат:

— Оила кодексининг 70-моддасига кўра, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органи ота-онанинг биргаликдаги аризасига асосан, боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда бола 16 ёшга тўлгунига қадар унинг исмини ҳамда фамилиясини ўзгартиришга ҳақли. Бунда болага берилган фамилия ота ёки онанинг фамилиясига мос равишда ўзгартирилиши мумкин.

Шунингдек, қарор қабул қилишда боланинг манфаатлари устувор ҳисобланади. Эътиборли жиҳати шундаки, агар бола 10 ёшга тўлган бўлса, унинг розилиги ҳам инобатга олинади. Фарзанд 16 ёшга тўлгандан кейин эса тартиб ўзгаради. Бу ёшдан бошлаб исм ёки фамилияни ўзгартириш масаласида ота-онанинг розилиги талаб этилмайди ва шахс ўзи белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.



Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги муассасаларнинг айрим лавозимлари учун МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ШАРТЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ.



“Саратон касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.



Лифт ва лифт хавфсизлик қурилмаларининг МУВОФИҚЛИГИНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”



ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ



Бугунги кунда юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий кафолатларини кучайтириш ва меҳнат ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш мақсадида ижтимоий суғурта тизими босқичма-босқич ислоҳ қилиниб, қамрови ва самарадорлиги кенгайтириляпти.

Ижтимоий суғурта: ШАФФОФ, АДОЛАТЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРГА МОС

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА, журналист.

Айниқса, **ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ нафақаларни тўлаш** тартибига киритилаётган ўзгартиришларни бу йўналишдаги муҳим қадамлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Янги ёндашув нафақа тайинлаш жараёнини янада шаффоф, адолатли ва замонавий талабларга мос ҳолда ташкил этиш, шунингдек, фуқароларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларининг давлат ижтимоий суғуртаси ҳисобидан тўланиши тизимнинг инсон манфаатларига йўналтирилганини яққол намоён этди. Илгари, асосан, иш берувчи зиммасида бўлган молиявий юкнинг давлат қисман ўз зиммасига олиши ижтимоий адолат тамойилини мустаҳкамлади.

— 2026 йилнинг дастлабки беш ойида (январь-май) 57,9 минг ҳолатда ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўлаб берилгани тизимнинг амалий самарадорлигини кўрсатади,* — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бош мутахассиси Дилшодахон Муҳаммаджонова.** ***— Жами 658,4 миллиард сўмлик тўловлар давлатнинг ижтимоий мажбуриятларга ёндашуви кенгайганини англатади. Эътиборли жиҳат шундаки, хусусий секторда банд бўлган аёлларга тўловлар ҳажми икки баравар, ўртача нафақа миқдори эса олти баравар ошган. Бу эса янги тизимнинг фақат статистик эмас, балки аниқ ижтимоий таъсирга эга эканини тасдиқлайди.

2026 йил 1 июлдан бошлаб, иккинчи босқич доирасида **вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаларини** ҳам давлат ижтимоий суғуртаси орқали тўлаш тизими йўлга қўйилади.

Янги тартибга кўра, дастлабки 5 кунлик тўлов иш берувчи ҳисобидан, 6-кундан бошлаб эса давлат ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади. Бу тартиб иш берувчи ва давлат ўртасидаги молиявий юкни мувозанатлаштиришга хизмат қилади ҳамда тизим барқарорлигини оширади. Ислоҳотнинг энг муҳим жиҳати — фуқаронинг даромади касаллик даврида ҳам қисман сақланиб қолишидир. Бу, ўз навбатида, оилавий молиявий барқарорликни таъминлайди. Шу билан бирга, камбағалликка тушиш хавфини камайтиради. Расмий меҳнатга қизиқишни оширади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, **ижтимоий суғурта тизими кучайган давлатларда расмий бандлик улуши ҳам сезиларли даражада ўсади.** Чунки фуқаро давлат кафолати мавжуд бўлган тизимда расмий ишлашни афзал кўради. Бу кичик ва ўрта бизнесга молиявий босимни ҳам камайтиради. Иш ўринларини сақлаш имкониятини оширади. Янги иш ўринлари яратилишини рағбатлантиради.

Ислоҳотнинг энг замонавий жиҳати — тўлиқ рақамлаштирилган бошқарув тизимидир. Нафақалар электрон варақалар ва ахборот тизимлари интеграцияси асосида тўғридан-тўғри равишда тайинланади. Бу эса инсон омилини сезиларли даражада камайтиради. Коррупцион хатарларни бартараф этади. Жараённи тез ва шаффоф қилади.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

“ОДАМЛАРДА УМИД ВА ИШОНЧНИ УЙҒОТМОҚ УЧУН ДАРДИНИ ЮРАКДАН ҲИС ҚИЛСАНГИЗ БАС”

Бекзод Сулаймонов 14 йил давомида оиласи билан уй-жойсиз ҳолда яшаб, фермер хўжалигида чорва боқиб, кун кечирган. Уларнинг ҳолати ўрганилгач, Ижтимоий реестрга киритилди, зарур ижтимоий хизматлар билан қамраб олинди.



Зиёда ДУЙШАБОЕВА, Оҳангарон туманидаги “Убайд” маҳалласи ижтимоий ходими.

Бекзоднинг болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди Умиджон Ортиқбоев тиббий-педагогик комиссияга йўналтирилиб, Оҳангарон шаҳридаги 7-сон махсус мактабга жойлаштирилди.

Маҳалла фаоллари ва ҳомийлар кўмагида оила учун 5 хонали уй қуриб берилди. Бугун улар янги хонадонга кўчиб ўтиш арафасида. Шунингдек, Бекзод Сулаймонов ўзи фаолият юритаётган фермер хўжалигига доимий ишга қабул қилинди. Маҳалла ҳоким ёрдамчиси ва ижтимоий ходим кўмагида унга 30 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобидан 10 бош қўй харид қилиниб, оиланинг даромад манбаи яратилди.

Аслида, атрофимизда бизнинг кўмагимизга кўз тиккан, ёрдамимизга муҳтож кишилар доим топилади. Биз “еттилик” ходимлари уларнинг муаммоларини юракдан ҳис қилсаккина, ҳаётида умид ва ишонч уйғота оламиз. Бу эса зиммамиздаги масъулият юки қанчалар катта эканидан далолат.

Маҳалламиздаги 87 нафар ногиронлиги бўлган шахсни қўллаб-қувватлаш ишлари ҳам изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, оғир хасталикка чалинган Зайниддин Мансуров ногиронлик гуруҳи белгиланиши жараёнида сайрга мўлжалланган аравача ва қўлтиқтаёқ билан таъминланди.

Давлат таъминотидаги оила Сарвиноз Абдусаматованинг I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзанди Шоҳрух Абдусаматов эса “Фаол ҳаётга қадам” дастури орқали уй шароитида парваришлаш хизмати билан қамраб олинди.

Шунингдек, Ижтимоий реестрда турувчи I гуруҳ ногиронлиги бўлган Ҳасан ва Ҳусан Абдумаҳмудовлар электр юритмали универсал кресло-аравачалар билан таъминланди.

Маҳалламизда амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун муносиб шароит яратишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Маҳаллада инсон қадри ва манфаатларини таъминлашга йўналтирилган ишлар изчил давом этмоқда.




Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ!

Жанар Актурсинова — Ижтимоий реестрга киритилган, унинг оиласига бугун ҳар томонлама ижтимоий кўмак кўрсатилмоқда.

КЎМАК БИЛАН КЎНГИЛЛАР ОБОД



Энг муҳими, маҳаллий ҳокимлик кўмаги асосида мазкур оила учун барча қулайликларга эга бўлган янги 2 хонали уй қуриб берилди. Бугунги кунда оила янги, шинам ва замонавий хонадонда яшамоқда.

Наргиза ҚУРБОНБОЕВА, Тахиатош туманидаги “Марказий” маҳалласи ижтимоий ходими.

Хусусан, оила аъзолари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, моддий ёрдам тайинланди, ҳомийлар жалб этилган ҳолда, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. Ногиронлиги бўлган хонадон вакиллари учун реабилитация ва даволаниш хизматлари ташкил этилди, зарур техник воситалар топширилди.

Шунингдек, оиланинг келгусидаги даромад манбаини шакллантириш мақсадида Жанарни тикувчилик ва миллий кийимлар дизайни йўналишида касб-ҳунарга ўқитиш, уй шароитида меҳнат фаолиятини ташкил этиш бўйича ижтимоий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Биргина шу мисол орқали инсон қадрини улуғлаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг мустақил ҳаёт кечириши учун шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини яққол кўриш мумкин.

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИЯТ ЧЕКСИЗ

Бухоро вилоятида 2024 йилда 7 799 нафар, 2025 йилда 15 минг 995 нафар ногиронлиги бўлган шахснинг бандлиги таъминланди. Жорий йилда эса яна 4 749 нафар фуқаронинг иш билан таъминланиши режалаштирилган.

МЕҲНАТ — САЛОМАТЛИК ВА ФАОЛЛИККА КАФОЛАТ



Зариф КОМИЛОВ, журналист.

Қорақўл туманидаги “Parvozplyusfayz” масъулияти чекланган жамияти бу борадаги ижобий тажрибалардан биридир. Корхонада 180 нафар ходим меҳнат қилаётган бўлиб, туман “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази билан ҳамкорликда 9 нафар ногиронлиги бўлган шахс иш билан таъминланган. Уларнинг 7 нафари эшитиш ва гапиришда нуқсони бўлган фуқаролардир.

Корхонада улар учун инклюзив меҳнат муҳити яратилган. Хусусан, сурдотаржимон хизмати йўлга қўйилиб, унинг харажатлари учун субсидия маблағлари ажратилган. Бу эса ходимларнинг жамоа билан эркин мулоқот қилиши ва меҳнат жараёнларида фаол иштирок этишига хизмат қилмоқда.

Ана шундай ходимлардан бири Камола Зайниддинова бўлиб, у “Инсон” маркази кўмагида ишга жойлашган ва бугун ўз меҳнати орқали оиласи фаровонлигига ҳисса қўшмоқда. Зеро, меҳнат — саломатлик ва ижтимоий фаоллик калити бўлиб, инсонни фақат олдинга интилишга ундайди.



2026 йил 1 июлдан коррупцияга қарши курашиш мақсадида “РАҚАМЛИ КОМПЛАЕНС” ТИЗИМИ синов тартибида ишга туширилади.



Тошкентда умумий овқатланиш шохобчаларида МАИШИЙ ГАЗ БАЛЛОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ тақиқланди.



Банклар омонатлар ва пул ўтказмалари ҳақидаги маълумотларни СОЛИҚ ҚЎМИТАСИГА БЕРИШИ МУМКИН.

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”





СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

ҲАР БИР КУН ҲАЛОЛЛИКНИ ОДАТ ҚИЛГАН ОДАМЛАР БИЛАН ФАЙЗЛИ

Тонг ҳали тўлиқ ёришмасидан маҳалла уйғонади. Кимдир дарвоза олдини супуради, кимдир иссиқ нонга ошиқади, яна кимдир кунлик ризқи учун йўлга отланади. Шу одатий ҳаракатлар ичида кўринмайдиган, лекин жуда муҳим бир тартиб ҳам яшайди — ҳалоллик ва масъулият. Мен солиқ инспектори сифатида ҳар куни ана шу тартиб ичида ишлайман.



Жаҳонгир АБДУРАҲИМОВ, Ангор туманидаги “Қорабоғ” ва “Янгиобод” маҳаллалари солиқ инспектори.

...Ўша куни ишни идорадан эмас, маҳалладан бошладим. Режага кўра, ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ўрганиш, фуқаролар мурожаатларини жойида кўриб чиқиш ва солиқ тизимидаги қулайликлар бўйича амалий тушунтириш ишлари олиб борилиши керак эди.

Маҳалла ичида юриб, аввало, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига кирдим. Айрим тадбиркорларга чек бериш тартибини эслатдим, электрон ҳисоботларни ўз вақтида топшириш бўйича тушунтириш бердим. Одамлар кўпинча солиқни фақат тўлов, деб билади, лекин мен ҳар гал бир фикрни такрорлайман: солиқ — қайтиб келадиган тартиб. Бугун тўғри юритилган ҳисоб эртага обод кўча, хизмат ва ишонч бўлиб қайтади.

Йўл-йўлакай Мурод ака мурожаат қилди. У бир неча кундан бери “Солиқ” мобиль иловасига юклаган чеклари бўйича кешбэк тасдиқланмаётганини айтди. Аввалига иловада носозлик бордир, деб ўйлаган экан. Мурожаатни шу ернинг ўзида кўриб чиқдим. Телефонини очдириб, аввало, шахсни тасдиқлаш бўлимини текширдим. Кейин иловадаги юкланган чеклар ҳолатини бирма-бир кўрсатдим. Текширув давомида айрим чеклар бўйича хизмат кўрсатган тадбиркорда ҳисобот билан боғлиқ камчиликлар борлиги сабаб кешбэк тасдиқланиши кечикаётганини аниқладим.

Шундан кейин кешбэк тизими қандай ишлашини оддий мисоллар билан тушунтирдим. Агар тадбиркор ҳисобот топширмаган бўлса, унда камчилик бўлса ёки солиқ қарздорлиги сақланиб қолган бўлса, тизим кешбэкни дарҳол тасдиқламаслигини айтдим. Камчиликлар бартараф этилгач, маблағ тўғридан тўғри тасдиқланишини амалда кўрсатдим.

Суҳбат давомида яна бир масалага тўхталдим. Ҳозир айрим одамлар бошқа бировнинг чекини иловага киритиб, осон даромад олиш мумкин, деб ўйлайди. Бу нотўғри йўл эканини тушунтирдим. “Солиқ” мобиль иловасида фақат ўзи амалга оширган харид учун берилган фискал чек рўйхатдан ўтказилиши кераклигини, акс ҳолда шубҳали харидорлар реестрига тушиш хавфи борлигини эслатдим.

Мурод ака суҳбат охирида масалани бошқача тушунганини айтди. У кешбэкнинг ўзи эмас, унинг ортидаги тартиб муҳимлигини англаганини яширмади.

Маҳалладан қайтаётиб яна бир фикр хаёлимдан ўтди — бир мурожаатни жойида ҳал қилиш ёки вақтида берилган тушунтириш одамнинг қарашини ўзгартириб юборади. Чунки ҳақиқий ишонч ҳалолликни одат қилган одамлар орасида мустаҳкам бўлади.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Одамлар шунчаки ваъдага эмас, натижага қараб баҳо беради

“Халқ ишончи”, деган нарса қоғозларда ёзилмайди, уни ҳар куни эзгу амалларни бажариб қозониш керак. Одамлар энди аввалгидек қуруқ гапга эмас, натижага қарайди.

Аҳрор ЭРГАШЕВ, Навбаҳор туманидаги “Навбаҳор” маҳалласи раиси.



Лавозимга келгунча катта-катта ваъдалар бериш осон, лекин одамлар айтилган сўзнинг ижроси борми-йўқми — шунга баҳо беради. Бугун инсонлар ҳушёр, сезгир. Раҳбарнинг ҳар бир қадамига қараб туради. Шунинг учун “лавозимга эга бўламан”, деган инсон, аввало, халқ орасида юра олиши, тўғрисўз, очиққўнгил ва ҳаракатчан бўлиши керак.

Маҳалла тизимида 14 йилдан буён фаолият юритаман. Раислик вазифасига сайланганимга бир йил тўлган бўлса-да, йиллар давомида орттирилган тажриба бугун одамлар билан ишлашда энг катта таянчим бўлиб турибди. Сайлов олдидан бир нечта ваъдаларни айтган эдим. Улардан бири йиллар давомида ёввойи ўт босиб ётган ҳудудларни тозалаб, одамлар нафас ростлайдиган, болалар қулгуси эшитиладиган гўзал масканга айлантириш эди. Яна бири — аҳоли томорқасига сув чиқариш учун қарийб икки километрлик канал қазиш ва сув етказиш масаласи эди.

Бугун шу ишлар амалга ошганини мамнуният билан айта оламан. Албатта, бу — меҳнаткаш халқимизнинг ютуғи. Кимдир техникаси, яна кимдир ўз қўллари, бошқаси маслаҳати билан қўшилди. Бирлашган жойда иш юришини яна бир бор кўрдик.

Ҳудудимизда тадбиркорлик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик уйғунликда ривожланган. Иссиқхоналарда лимондан тортиб, турли полиз маҳсулотларигача етиштириляпти. Сувни қадоқлаш корхонаси фаолият юритади. Янгидан 14 та турли йўналишдаги савдо дўконлари иш бошлади. Айниқса, мебелчилик билан шуғулланаётган тадбиркорлар кўпроқ ёшларни иш билан таъминлаб келаётгани қувонарли.

Яна бир катта ютуғимиз — аҳоли тоза ичимлик сув билан тўлиқ таъминлаганидир. Илгари 400 та хонадон сувсиз эди. Одамлар сув сотиб олар, узоқдан ташиб қийналарди. Бугун бу муаммо барҳам топди. Ҳар бир хонадонда сув бор.

Бизнинг юртда ер — бойлик. Ҳар бир хонадонда камида 10-15 сотих томорқа бор. Энди одамлар бир-биридан ўрганиб, томорқа маданиятини шакллантиряпти. Ҳосилдан барака, меҳнатдан файз оляпти. Лекин қилинган иш билан тўхтаб қолиш ниятимиз йўқ. Олдимизда яна режалар кўп. Энг яқин мақсадларимиздан бири — маҳалламизни тунги ёритгичлар билан таъминлаш.

Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, халқнинг ишончи бир кунда келмайди. Уни ҳар кунги меҳнат, ҳар бир берилган сўз ортидан натижа кўрсатиш билан оқлаш керак.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ!

СОЛИҚ ТИЗИМИДА ОРТИҚЧА ТАРТИБЛАР ҚИСҚАРТИРИЛАДИ



“Солиқ органлари фаолиятини институционал жиҳатдан такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигида замонавий ёндашувларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони тадбиркорлар учун ортиқча қоғозбозликни камайтириш, солиқ хизматларини соддалаштиришга қаратилган.

Сожида ЭШМАТОВА.

Фармонга кўра, 2026 йил 1 июлдан бошлаб, бир қатор янги тартиблар жорий этилади. Эндиликда текширувдан олдинги таҳлилда айрим тафовутлар аниқланса, тадбиркорлардан қўшимча ҳужжатлар ёки қайта топширилган солиқ ҳисоботлари талаб қилинмайди. Бу эса вақтни тежаш ва ортиқча оворагарчиликнинг олдини олади.

Шунингдек, солиқ хавфи ўрта даражада, деб топилган солиқ тўловчиларга аввал хабарнома юборилади. Агар аниқланган камчиликлар бир ой ичида тузатилса, уларда солиқ текшируви ўтказилмайди. Бу тартиб тадбиркорларга камчиликларини ўз вақтида тўғрилаш имконини беради.

Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари учун ҳам енгиллик яратилмоқда. Улар фаолиятининг дастлабки олти ойи давомида солиқ ва молиявий ҳисоботларни топшириш хизматларидан “Солиқ-сервис” АЖ орқали бепул фойдаланишлари мумкин бўлади. Бундан ташқари, фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишга ёрдам берувчи марказлар ҳам “Солиқ-сервис” тизимига ўтказилади.

Умуман олганда, ушбу ўзгаришлар солиқ тизимини одамлар ва тадбиркорлар учун янада тушунарли, қулай ва самарали қилишга хизмат қилади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

“Томорқа маҳсулотини сотсам, солиқ тўланадими?”

Мухлиса АСАДОВА. Фарғона вилояти:

— Мен ўз ҳовлимда қулупнай етиштираман. Етиштирган ҳосилимни маҳалламиздаги кўчада сотмоқчиман. Бундай ҳолатда солиқ тўлашим керакми?

Мақсуд МАМАТХОНОВ, Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи:



— Агар сиз ўз ҳовлингизда қулупнай етиштириб, уни маҳаллангиздаги кўчада ёки бевосита харидорларга сотсангиз, бундай даромад бўйича ҳар доим ҳам солиқ тўлаш мажбурияти юзага келавермайди.

Солиқ кодексининг 378-моддасига мувофиқ, уй хўжалигида, шу жумладан, деҳқон хўжалигида етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларини табиий ёки қайта ишланган ҳолда сотишдан олинган даромадлар солиқдан озод этилади. Бу имтиёз уй шароитида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан қўлланади.

Бироқ бунда муҳим жиҳат шуки, маҳсулотни ҳақиқатда ўзингиз етиштирган бўлишингиз керак. Агар маҳсулотни бошқа жойдан олиб сотиш ёки доимий савдо фаолиятига айлантириш ҳолатлари юзага келса, бундай фаолиятга бошқа солиқ ва рўйхатдан ўтиш талаблари қўлланиши мумкин.

Шундай экан, ҳовлингизда етиштирилган қулупнай ҳосилини сотиш ҳолатида, одатда сиздан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ундирилмайди.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.





Тошкент вилоятида ерни 400 минг долларга сотишга уринган БИР ГУРУҲ ШАХСЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ.



Тошкентда 15 сентябргача АЛОҲИДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ТАРТИБИ жорий этилди.



Коррупция ҳақида хабар берган шахслар ИНТИЗОМИЙ ЖАЗОЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

ТУНИ НОТИНЧ БЎЛГАН ҲУДУД ҲОЗИР ХАВОТИРДАН ХОЛИ



Яқинда маҳалламизда яшовчи бир отахон хизмат хонамга кириб, шундай деди: “Илгари кечқурун кўчага чиқишга, невараларимни ёлғиз дўконга юборишга қўрқардим. Ҳозир эса тунда ҳам кўчаларимиз кундузгидек ёруғ, атрофда шубҳали юрган одамнинг ўзи йўқ, бемалол ухлаяпмиз”.

Акмал ҚАМБАРОВ, Мирзо Улуғбек туманидаги “Шаҳрисабз” маҳалласи профилактика инспектори.

Айримларга бу ишлар одатий юмушдек туюлади. Ҳа, аслида ҳам, биз ўз ишимизни бажаряпмиз. Лекин шу натижалар замирида жуда катта меҳнат ётибди. Профилактика инспектори сифатида шуни айта оламанки, бир вақтлар тунлари нотинч бўлган, жиноятчилик кўрсаткичи юқорилиги учун “қизил” тоифага киритилган маҳалламиз бугун ҳақиқий осойишталик масканига айланди.

Бир йил аввал энг нотинч ҳудуд эдик. Жорий йилдан вазият ўзгарди. Бунинг учун ҳавфсизлик ва осойишталикни таъминлаш мақсадида ҳудуд 365 та камера билан жиҳозланди. Улар ёрдамида вазиятни туну кун назорат қилиб туриш имконияти пайдо бўлди. Бундан ташқари, қўриқлаш хизмати билан ҳамкорликда ҳар бир хонадон тўлиқ қўриқлов тизимига уланди. Олиб борилган мана шундай тизимли ишлар натижасида, жорий йилнинг бошидан ҳозирги кунга қадар “яшил” тоифага ўтдик.

Жараёнда рақамли технологиялардан унумли фойдаланяпмиз, тарғибот тадбирлари мунтазамлик касб этган. Аксарият фуқаролар “Менинг инспекторим” мобиль иловасига уланди. Шу орқали аҳолининг онлайн мурожаат йўллаш, ишонч рақамларидан фойдаланиш имконияти ошди.

Шунингдек, алоҳида тоифадаги шахслар билан ишлаш йўналишида якка тартибдаги ёндашув асосида 85 нафар фуқаронинг яшаш шароитини ўргандик. Назоратда турганлар, муқаддам судланган ҳамда ички ишларга ружу қўйган шахслар билан манзилли профилактик суҳбатлар ўтказиб, уларнинг соғлом ҳаётга қайтишига кўмаклашяпмиз.

Йирик савдо объектлари, хусусан, “Наврўз” деҳқон бозорида хавфсизликни таъминлаш мақсадида махсус маскан ташкил этилди. Шартнома асосида ходимлар бириктирилиб, тирбандликлар ва хавфсизлик тўлиқ назоратга олинди.

Ҳудудда ёшларни турли ҳуқуқбузарликлардан асраш, улар қалбида зарарли иллатларга қарши мустаҳкам иммунитет шакллантириш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга устувор аҳамият қаратилган. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, спорт ва маънавий-маърифий тадбирларга жалб қилиш орқали салбий ҳолатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор бериляпти. Маҳалла спорт майдончаси, сунъий қопламали майдонда тез-тез мусобақалар, дўстлик турнирлари ўтказиб бориляпти.

Тарбияси оғир ўсмирлар билан манзилли ишлаш, уларни тўғри йўлга бошлаш мақсадида мунтазам тарбиявий ишлар олиб боряпмиз. Ҳар пайшанба ўтказиладиган профилактика тадбирлари доирасида аҳоли ўртасида ҳуқуқий онгни оширишга қаратилган учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этиляпти.

Тўғри, бирор ютуққа эришиш осон эмас, лекин шу натижани сақлаб қолиш ундан-да, масъулиятли ва оғир вазифа. Шу маънода маҳалламиздаги хавфсиз муҳитни доимо барқарор бўлиши учун қатор чораларни жорий қилдик.

“Рақамли маҳалладош” тунги тизими ишга туширилиб, иловадан фойдаланишга қийналадиган кекса ёшли фуқароларимиз хонадонига махсус соддалаштирилган “Ташвиш тугмалари”ни ўрнатиш ва уларни тўғридан-тўғри маҳалла идораси билан боғлаш жараёни кетяпти. Қолаверса, тадбиркорлар билан ижтимоий шериклик асосида мавжуд савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларидаги камераларни ҳам ягона онлайн марказга улаш ишлари янада кенгайтириляпти.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

Инсонлар кўнглига йўл топиш ҳаётий тамойилга айланган

Маҳалламиз туман марказидан қарийб 100 километр олисда жойлашган. Бу ерда 3 500 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Тоғли ҳудуд бўлгани учун асосий тирикчилик манбаи — чорвачилик ва деҳқончилик. Ушбу йўналишларда тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида бўлган хонадон эгаларига паррандачилик, чорвачилик, иссиқхона ташкил этиш учун имтиёзли кредитлар ажратиляпти.



Суҳробжон ФАРҲОДОВ, Узун туманидаги “Оқмачит” маҳалласи профилактика инспектори.

Муҳими, жорий йил бирорта жиноят содир этилмади. Аммо бу натижага қувониб, хотиржам бўла олмаймиз. Айниқса, ёшлар тарбиясига ҳамда оилавий масалаларда вақтида чора кўрилмаса, оқибати яхши тугамайди.

Шу боис нотинч, жанжалкаш оилаларни муросаи мадорага келтириш, турмуш доирасида мунтазам равишда ҳуқуқбузарлик содир қилувчи шахсларни тартибга чақириш йўлида “еттилик” ходимлари бир тану бир жон бўлиб ишлаяпти.

Чегара ҳудудда жойлашганимиз учун жамоат хавфсизлигини таъминлаш икки карра масъулият ва ҳушёрлик талаб этади. Кунлик иш фаолиятим соатлаб қоғозбозлик ёки расмиятчиликдан эмас, балки “хонадонбай” юришдан, одамларнинг ичига киришдан бошланади. “Пойтахт намунаси” асосида маҳалладошлар билан яқин дўстдек самимий суҳбатлашаман. Қонун кучи билан эмас, кўнгилга йўл топиш билан ҳаракат қилиш ҳаётий шиоримга айланган.

Ҳар бир инсоннинг қалбига йўл топиш учун, аввало, уни эшитиш керак. Баъзан бир оғиз меҳрли сўз, самимий суҳбат инсон тақдирини ўзгартириб юбориши мумкин. Зеро, аҳоли билан ишлашда меҳр ва ишонч катта аҳамиятга эга. Ҳаётда адашган ёшларни тўғри йўлга қайтариш — биз учун энг катта ютуқ.

...Яқинда бир оилада ички низо борлиги аниқланди. Ака-ука йиллар давомида томорқа чегараси устида талашиб, бир-бири билан юз кўрмас бўлиб кетишган экан. Агар бу майда аразлашишга вақтида эътибор бермаганимизда, катта жиноятга айланиши муқаррар эди. Маҳалла оқсоқоллари ва нуронийларини жалб қилиб, суҳбат ташкил қилдик. Самимий гурунг устида ака-ука хатосини тушуниб, ярашиб кетди. Мана шундай тўғри ёндашув туфайли эҳтимолий жиноят барҳам топди.

Рақамлаштириш хавфсизлик ва осойишталик асосига айланди. Барча кириш-чиқиш йўллари ва гавжум кўчалар тўлиқ замонавий кузатув камералари билан жиҳозланди. Бу рақамли тизим тўғридан-тўғри хизмат хонамга уланган бўлиб, тоғли ҳудуддаги вазиятни 24 соат давомида онлайн назорат қилиш имконини беряпти.

Шу билан бирга, тоғли ва чегараолди маҳаллада хавфсизлик тизимини янада мукаммал қилиш учун иш тажрибамдан келиб чиқиб, таклифларимни билдириб ўтмоқчиман. Жумладан, оддий кузатув камераларини юзни танийдиган (Facial Recognition) ва сунъий интеллект билан ишлайдиган замонавий тизимларга ўтказиш керак. Бу шубҳали шахсларни тезкор аниқлашга ёрдам беради. Бундан ташқари, электр таъминотидаги узилишлар назорат камералари ишини тўхтатиб қўймаслиги учун, видеокузатув жойларини тўлиқ мустақил қуёш панеллари ва аккумуляторлар билан таъминлаш лозим. Келаётган маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар учун рақамли хариталар ҳамда инновацион QR-кодли тезкор хавфсизлик иловаларини жорий этиш ҳам ҳаётий заруратдир.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Чиқиндиларни уй олдига тўплаш — жаримага сабаб бўлади

Шерзод ТЕМИРОВ. Учтепа тумани:

— Кўп қаватли уйда яшайман. Қўшним яшаш хонадонини таъмирлаяпти. Лекин қурилиш чиқиндиларини уй олдига ташлаяпти. Натижада атроф-муҳитга зарар етяпти. Бу вазиятда профилактика инспекторига мурожаат қилсам бўладими?


Бекмурод БЕКИМБЕТОВ, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими:

— Ҳа, албатта. Сиз ҳолат юзасидан хабар берганингиздан кейин профилактика инспектори қонуний чора кўриш ваколатига эга. Чунки уй-жой мулкдорлари ёки қурилиш қилаётган шахслар таъмирлаш ишларидан чиққан чиқиндиларни кўп қаватли уйнинг олдига, йўлакларга ёки умумий фойдаланишдаги жойларга ташлаб қўйишга ҳаққи йўқ.

Бундай қонунбузилиши учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, қурилиш чиқиндиларини белгиланмаган жой (уйнинг олди)га ташлаганлик базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.



Демак, сиз уйингиз олдидаги ҳолат бўйича яшаш ҳудудингизга бириктирилган профилактика инспекторига мурожаат қилсангиз, у жойига чиқиб вазиятни ўрганади. Қўшнингизга чиқиндиларни тезкорлик билан махсус машина ёрдамида олиб чиқиб кетиш талабини қўяди ва унга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштиради.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 919 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-620